

**Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлиги Бош директори
А.Юнусовнинг “Ўзбекистон Матбуоти” Бешинчи миллий форуми
очилиши маросимидаги табрик сўзи**

**Ҳурматли Ўзбекистон Матбуоти” Бешинчи миллий форуми
иштирокчилари, азиз меҳмонлар!**

Хонимлар ва жаноблар!

Авваломбор барчангизни “Ўзбекистон Матбуоти” V Миллий форумига ташрифингиз учун чин дилдан миннатдорчилик билдиришга рухсат бергайсизлар!

Ўзбекистон Президенти Ислом Каримовнинг ахборот соҳасини ислоҳ қилиш, ахборот ва сўз эркинлигини таъминлаш борасидаги концепциясида стратегик вазифаларнинг белгиланиши оммавий ахборот воситалари, нашриёт ва матбаа соҳалари учун янги тараққиёт даврини бошлаб берганлигини алоҳида қайд этиш лозим, деб ҳисоблайман.

Шуни ҳам таъкидлаш жоизки, мамлакатимиз иқтисодий салоҳияти ва инвестицион имкониятларининг изчил юксалиб бориши оммавий ахборот воситаларини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш борасида тизимли чора-тадбирларни амалга ошириш имконини берётганлиги диққатга сазовордир.

Биргина Ўзбекистон Президентининг “Оммавий ахборот воситаларини янада ривожлантириш учун қўшимча солиқ имтиёзлари ва афзалликлар бериш тўғрисида”ги қарори орқали оммавий ахборот воситалари, нашриёт ва матбаа корхоналарига берилган солиқ имтиёзи натижасида Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлиги тизимидаги корхоналарнинг ўзида жами 9,4 млн. АҚШ доллари ҳажмидаги модернизация ишлари амалга оширилди.

Давлатимиз раҳбарининг тегишли Фармонида асосан оммавий ахборот воситалари, матбаа корхоналари ва нашриётлар фаолиятига рухсатнома ва лицензия олиш учун тўланадиган давлат божи ставкалари 2 баробарга камайтирилди.

Натижада 2015 йил 1 ноябрь ҳолатига кўра, Агентлик томонидан рўйхатга олинган оммавий ахборот воситаларининг умумий сони 1422 тага (688 таси газета, 295 таси журнал, 15 таси ахборотнома-бюллетень, 4 таси ахборот агентлиги, 65 таси телевидение, 31 таси радио, 324 таси веб-сайтлар), матбаа корхоналари 1677 тага, нашриётлар сони 112 тага етди.

Бугунги кунда республика оммавий ахборот воситалари амалга оширилаётган кенг қўламли ислоҳотлар очиклигини таъминлаб, фуқаролик жамияти институтлари тизимида муҳим ўрин тутиб бормоқда.

Муҳтарам анжуман иштирокчилари!

Ахборот соҳасини ислоҳ қилиш, ахборот ва сўз эркинлигини таъминлаш бўйича амалга ошириш чораларига оид белгиланган тадбирлар

қаторида эртага, яъни **18 ноябрь** куни (соат 11.00да) “Ўзэкспомарказ” Миллий кўрғазмалар мажмуасида “**Ўзбекистон матбуоти**” V Миллий кўрғазмаси ҳам ўз ишини бошлайди.

Мазкур кўрғазмага ташриф буюрганлар оммавий ахборот воситалари ва етакчи нашриётлар ва матбаа корхоналари томонидан ташкил этилган 100дан зиёд кўрғазма стендларини томоша қиладилар.

Даврий босма нашрлар, ноширлар, матбаачилар меҳнати самарасининг тарғиботига бағишланган тадбирда ўзбек матбуоти ва адабиёти, ноширчилиги ва матбаачилиги ютуқларини таҳлил этиш, босма маҳсулотларга бўлган аҳоли эҳтиёжи, бозор конъюнктураси ва маркетинги масалалари борасидаги мавжуд муаммолар ўрганилади, соҳанинг тараққиёт йўналишлари ва тенденциялари белгиланади.

Мазкур чора-тадбирларнинг амалга оширилиши оммавий ахборот воситаларининг фуқаролик жамияти институтлари тизимидаги ўрни ва ролини янада мустаҳкамлашга, фуқароларнинг сўз эркинлигини таъминлашга қаратилган конституциявий ҳуқуқларини янада тўлиқ рўёбга чиқаришга хизмат қилади муносиб ҳиссасини кўшади, деб ҳисоблайман.